


1. Қишлоқ хўжалигидаги ишлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича Фермернинг мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 13-моддасига мувофиқ корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.



Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни:

- шунга махсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари;
- қасаба уюшмалари (ташқилотлари ва уларнинг мутахассислари) амалга оширади.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузишда айбдор бўлган фермер хўжалигининг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

- интизомий;
- маъмурий;
- ёки жиноий жавобгарликка тортилади.



Юридик мақомга эга бўлган ҳамда битта ва ундан кўп кишиларнинг ёлланма меҳнати қўлланадиган фермер хўжаликларида ёлланма ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича

қонун ва меъёрий ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан жамоат назоратини меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида фермер хўжалигининг ходимлари ичидан сайланадиган меҳнат муҳофазаси бўйича вакил амалга оширади.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан кўп бўлган фермер хўжаликларида махсус тайёргарликка эга бўлган шахслардан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ташкил этилади.



Ходимлар сони ундан кам бўлган фермер хўжаликларида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифаларини бажариш мажбурияти хўжалик раҳбарларидан бирининг зиммасига юкланади.



Фермер:

- барча бажарилаётган ишлар турлари бўйича хавфсизлик техникаси қоидаларини билиши ва фермер хўжалиги ишчиларидан бу қоидаларга риоя қилишни талаб қилиши;



- иш жойида хавфсизлик техникаси бўйича йўл-йўриқ бериш тадбирларини ўтказиши;



- маст ҳолатдаги ҳамда тегишли турдаги машиналарни бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган ва хавфсизлик техникаси қоидалари билан таништирилмаган шахсларнинг қишлоқ хўжалик машиналарида ишлашига йўл қўймаслиги;





- техника ва ускуналарнинг соз ҳолатда бўлишини назорат қилиши;



- қишлоқ хўжалигида банд бўлган хотин-қизларнинг меҳнاتини муҳофаза қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилинишини назорат қилиши;



- 15 дан 18 ёшгача бўлган ўсмирларнинг меҳнатидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиши;



- заруратга қараб, ҳар бир иш жойини тегишли йўриқномалар, плакатлар, огоҳлантирувчи ёзувлар билан таъминлаши;

- ходимларни белгиланган меъёрлар бўйича махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлаши, уларни сақлаш, ювиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиши;



- бахтсиз ходисаларни текширишда катнашиши, Н-1 шаклидаги далолатномаларни расмийлаштириши ва шикастланиш юзага келиш сабабларини бартараф этиш чораларини кўриши;

- бахтсиз ходисаларда биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари билиши ва уларга фермер хўжалиги аъзоларини ўргатиши шарт.

